



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Шарипова Гулнихол Идиевна, Казакова Нозима Нодировна

УДК 616.311-001-053.36

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

ТРАВМАТИК СТОМАТИТГА ЭГА БЕМОРЛАРНИ ФЛАВОНОИД АСОСИДАГИ
ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ДАВОЛАШДА ОҒИЗ СУЮҚЛИГИ ТАРКИБИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР

Аннотация. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватида яллиғланиш-деструктив жараённи баҳолаш учун сўлакда цитологик тадқиқотларнинг натижалари катта аҳамиятга эга, у оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг меъёрий фаолиятини таъминловчи ва оғиз бўшлиғи, шунингдек ҳатто организмнинг бошқа тизимларида ривожланадиган турли патологик жараёнларга жавоб қайтарувчи оғиз суюқлигининг асосий компоненти ҳисобланади. Шу сабабдан, биз кузатилаётган беморларнинг сўлагида Флавоноид асосидаги дори воситалардан фойдаланишда комплекс қўлланишининг таъсири остида қиёсий жиҳатдан яллиғланишнинг асосий маркерларини ўргандик (эпителиал хужайра ва лейкоцитлар).

Калим сўзлар: Травматик стоматит, ёш бола, яллиғланиш, оғиз бўшлиғи шиллик қавати, флавоноидлар, сўлак.

CHANGES IN THE ORAL FLUID DURING THE TREATMENT OF PATIENTS WITH TRAUMATIC DENTISTRY WITH DRUGS BASED ON FLAVONOIDS.

Sharipova Gulnihol Idievna, Kazakova Nozima Nodirovna

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sino, Uzbekistan

Annotation. The results of cytological studies in saliva are of great importance for the assessment of the inflammatory-destructive process in the oral mucosa, it is a key component of oral fluid that ensures the normal functioning of the oral mucosa and responds to various pathological processes developing in the oral cavity and even other body systems. For this reason, we studied the main markers of inflammation (epithelial cells and leukocytes) comparatively under the influence of complex use in the use of flavonoid-based drugs in the saliva of observed patients.

Keywords: Traumatic stomatitis, young child, inflammation, oral mucosa, flavonoids, saliva.

ИЗМЕНЕНИЯ РОТОВОЙ ЖИДКОСТИ ПРИ ЛЕЧЕНИИ БОЛЬНЫХ ТРАВМАТИЧЕСКИМ СТОМАТИТОМ ПРЕПАРАТАМИ НА ОСНОВЕ ФЛАВОНОИДОВ.

Шарипова Гулнихол Идиевна, Казакова Нозима Нодировна

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино, Узбекистан

Аннотация. Результаты цитологического исследования слюны имеют большое значение для оценки воспалительно-деструктивного процесса в слизистой оболочке полости рта, она является ключевым компонентом ротовой жидкости, обеспечивающим нормальное функционирование слизистой оболочки полости рта и реагирующим на различные патологические процессы, развивающиеся в полость рта и даже другие системы организма. По этой причине мы сравнительно изучали основные маркеры воспаления (эпителиальные клетки и лейкоциты) под влиянием комплексного применения препаратов на основе флавоноидов в слюне наблюдаемых больных.



Ключевые слова: Травматический стоматит, маленький ребенок, воспаление, слизистая оболочка полости рта, флавоноиды, слюна.

Долзарблиги. Адабиётларда, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида турли яллиғланиш ва деструктив жараёнлар патогенезида сўлакда фермент алмашинуви бузилишларининг аҳамияти тўғрисидаги маълумотларни эътиборга олиб (Долгих В.Т., Матусов И.Е., Чесноков В.И., Солодовников Н.И., Корпачева О.В., 2000), биз сурункали травматик стоматитга эга беморларда фермент алмашинувининг келтирилган асосий кўрсаткичларини ўргандик. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида яллиғланиш ва деструктив касалликларнинг генезида нафақат фермент, балки микроэлемент таркиб, айниқса калций ва фосфор таркибининг бузилишини аҳамияти тўғрисида адабиётда келтирилган маълумотларни эътиборга олиб, биз флавоноид асосидаги дори воситаларидан фойдаланиш комплекс ва алоҳида қўлланишининг таъсири остида кузатилаётган беморларнинг аралаш сўлагиде уларнинг миқдорини ўргандик. Текширилган беморларда дастлабки ҳолатда ифодаланган микроэлемент таркибда нотурғунлик кузатиди, у аралаш сўлакда фосфорнинг ишончли ортиши фониде калций даражасининг ишончли камайиши билан намоён бўлди.

Турли даволаш усулларининг таъсири остида ўрганилаётган микроэлементлар кўрсаткичи ўзгаришининг қиёсий таҳлили Флавоноид асосидаги дори воситалардан фойдаланишда беморларнинг сўлагиде микроэлемент таркибга кўпроқ ифодаланган ижобий таъсир кузатилганлиги кўрсатди, ҳам фосфор, ҳам калций миқдорининг меъёрий қийматларгача қайта тикланиши шундай дарак беради, бу вақтда таққослаш гуруҳиде гарчи ушбу микроэлементларнинг ишончли динамикаси кузатилган бўлсада, бироқ улар меъёрий қийматларга етмади.

Қўшимча гуруҳиде аралаш сўлакнинг таркибиде микроэлементларга катта ўзгаришлар кузатилмади. 6 ойдан кейин эришилган натижалар фақат асосий гуруҳда сақланиб қолди, қўшимча гуруҳиде гарчи, даволашдан кейин олинган натижалар сақланмаган бўлсада, бироқ улар дастлабки натижага эришмади. Қўшимча гуруҳиде 6 ойдан кейин сўлакда ўрганилган

кўрсаткичлари миқдори дастлабки даражадан фарқ қилмади. Яққол мисол сифатида 3.9-жадвални келтирамиз.

1-жадвал

Флавоноид асосидаги дори воситаларидан фойдаланишда травматик стоматитга эга беморларнинг сўлагига микроэлементлар таркибининг ҳолатига таъсири (Асосий гуруҳда)

Ўрганилаётган кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	Меъёр	Даволашда н олдин n=30	Даволашдан кейин n=30	
				Асосий n=15	Қўшимча n=15
рН		6,92±0,16	8,23±0,12	7,004±0,15	8,00±0,17
Кальций	Ммоль/л	1,16±0,13	0,95±0,01	1,15±0,1	1,0±0,002
Фосфор	Ммоль/л	4,13±0,13	6,4±0,2	4,07±0,2	5,8±0,02
Натрий	Ммоль/л	30,36±7,53	42,1±0,2	34,32±3,57	40,8±0,2
Калий	Ммоль/л	37,25±7,39	48,45±1,3	40,76±5,0	45,14±4,3
Хлоридлар	Ммоль/л	20,53±1,87	25,64±1,54	21,4±0,6	23,54±1,43
Магний	Ммоль/л	0,232±0,033	0,09±0,04	0,21±0,02	0,15±0,02
Белок	Мг/л	4,12±0,59	5,96±1,23	4,30±0,20	5,5±1,9
Мочевина	Ммоль/л	2,19±0,28	4,10±0,3	2,2±0,15	3,5±0,4
Мочевин кислотаси	Мкмоль/л	101,1±21,7	150,2±25,0	120,6±2,8	140,2±10,6
Холестерин	Ммоль/л	0,103±0,023	0,120±0,03	0,105±0,02	0,115±0,02
Триглицеридлар	Ммоль/л	0,103±0,097	0,106±0,05	0,104±0,04	0,105±0,04
Глюкоза	Ммоль/л	0,071±0,013	0,05±0,02	0,068±0,01	0,06±0,01
Билирубин	Ммоль/л	5,40±2,34	8,56±2,2	6,6±2,2	7,8±3,2
Тимол синамаси		0,86±0,30	0,95±0,20	0,88±0,2	0,93±0,04
Амилаза	Е/л	714±92	512±15	650±25	521,2±24



Альбумин	Ммоль/л	0,880±0,30 3	0,65±0,02	0,85±0,09	0,70±0,81
Темир	Мкмоль/ л	14,85±5,58	24,5±6,43	18,43±2,4 3	22,65±4,2 3
Алат	Е/л	14,06±7,47	25,2±5,58	20,05±2,2	23,4±2,6
Асат	Е/л	24,13±7,18	34,9±4,36	29,32±2,3	30,14±5,2 3

Олинган натижалар 1-жадвалда кўрсатилган шунингдек 6 ойдан кейин касаллик қайталанишининг олдини олиш учун Флавоноид асосидаги дори воситалардан фойдаланиб фойдаланиб профилактика курсларини ўтказиш заруриятини кўрсатади, чунки бу даврда ривожланаётган метаболик нотурғунлик ҳисобига оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватида тўсиқ функцияси камайиши кузатилади (Долгих В.Т., Магусов И.Е., Чесноков В.И., Солодовников Н.И., Корпачева О.В., 2000).

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари 2 ва 3-жадвалларда тақдим этилган.

2-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, кузатилаётган беморларда дастлабки ҳолатда сўлакда эпителиал ҳужайраларнинг миқдори 3,8 марта ортиши қайд этилди, бу яллиғланиш-деструктив жараённинг мўтадил фаоллиги мавжудлигидан дарак беради.

Флавоноид асосидаги дори воситалардан фойдаланишда кетма-кет қўлланишини ўз ичига оладиган даволаш комплексининг 5 муолажасидан сўнг сўлакда эпителиал ҳужайраларнинг ифодали камайиши кузатилди (2,9 марта), аммо шунга қарамадан уларнинг миқдори ҳали меъёрдан ишончли фарқ қилди.

Кўшимча гуруҳида, гарчи сўлакда эпителиал ҳужайраларнинг ишончли камайиши кузатилсада (2,2 марта), уларнинг даражаси шу даврда асосий гуруҳ беморларига қараганда 2,0 марта юқори бўлди.

Бу даврда кўшимча гуруҳида, шунингдек ишончли, лекин олдинги гуруҳлар билан таққослаганда кам аҳамиятли, сўлакда эпителиал ҳужайралар

миқдорининг камайиши қайд этилди, бу уларнинг миқдори меъёр билан солиштирилганда 3,5 марта кўплиги билан тасдиқланди.

Даволаш курсидан кейин текширилаётган беморларнинг сўлагиди цитологик суръатнинг ижобий ўзгариши янада кўп ифодаланди ва асосий гуруҳ беморларининг сўлақларида эпителиал хужайра миқдор таркибининг меъёрлашуви билан тавсифланиб, олинган натижалар бутун кузатув даври давомида сақланиб қолди (6 ойгача).

Асосий гуруҳида шунингдек ижобий динамика кўпроқ ифодаланишни бошлади, лекин сўлақда эпителиал хужайраларнинг миқдор кўрсаткичи меъёрий қийматлардан ҳали 1,8 марта юқори, нотурғун бўлди ва 6 ойдан кейин меъёр билан таққослаганда 3,1 гача ишончли ортди, лекин дастлабки даражага етмади.


Асосий гуруҳида, даволаш курсидан кейин эпителиал хужайралар миқдорида ишончли силжишлар кўпроқ ифодаланган бўлсада, улар асосий гуруҳ ва қўшимча гуруҳида эришилган натижаларга анча ютқазди.

2-жадвал

Флавоноид асосидаги дори воситалардан фойдаланишда комплекс қўлланишининг таъсири травматик стоматитга эга беморларнинг сўлагиди эпителиал хужайралар миқдорининг ўзгариши.

Тадқиқот даври	Даволаш усуллари	
	Асосий (n=20)	Қўшимча (n=20)
Меъёр	1,7±0,08	
Дастлабки қиймат	6,4±0,2	
5 та муолажадан кейин	2,2±0,11	4,1±0,24
Даволаш курсидан кейин	1,73±0,1	3,1±0,13
1 ойдан кейин	1,76±0,2	3,6±0,21
6 ойдан кейин	1,8±0,23	4,3±0,12

Яққол мисол учун, ўтказилган тадқиқотнинг натижалари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Турли даволаш усуллари таъсири остида травматик стоматитга эга беморларнинг сўлагига эпителиал хужайралар миқдорининг ўзгариши

Маълумки, маҳаллий лейкоцитоз ҳам маҳаллий яллиғланиш фаоллигининг маркери ҳисобланади, шу сабабли, биз, шунингдек кузатилаётган беморларда цитологик тадқиқотлар билан сўлакда унинг ифодаланишини ўргандик.

Ўтказилан цитологик тадқиқот натижалари 3-жадвалда тақдим этилган.

3-жадвал

Флавоноид асосидаги дори воситалардан фойдаланишда комплекс қўллашнинг таъсири остида травматик стоматитга эга беморларнинг сўлагига лейкоцитлар миқдорининг ўзгариши.

Тадқиқот даври	Тадқиқот даври	
	Асосий (n=20)	Таққослаш (n=20)
Меъёр	0,8±0,02	
Дастлабки қиймат	4,2±0,4	
5 та муолажадан кейин	1,6±0,04	2,7±0,06



Даволаш курсидан кейин	0,7±0,03	1,70±0,08
1 ойдан кейин	0,8±0,06	1,88±0,10
6 ойдан кейин	0,9±0,07	2,23±0,11

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, дастлабки ҳолатда текширилган беморларнинг сўлагига меъёрий қийматлардан 5,3 марта ортиқ бўлган, мўтадил лейкоцитоз аниқланади, бу оғиз бўшлиғида фаол яллиғланиш-деструктив жараён мавжудлигини тасдиқлайди.

Травматик стоматитга эга беморларнинг сўлагига лейкоцитлар миқдорига турли даволаш усуллари таъсирининг қиёсий таҳлили Флавоноид асосидаги дори воситалардан фойдаланишда кетма-кет қўлланиши натижасида маҳаллий яллиғланиш жараёни тез ва ифодали тўхтатилишини кўрсатди, бу лейкоцитлар миқдорининг 5 та муолажадан кейин дастлабки даража билан таққослаганда 2,5 марта камайишида ифодаланди, бироқ уларнинг миқдори меъёр қийматларидан хали 2 баробарга юқори бўлди.

Адабиётлар.

1. Sharipova G. I. Paediatric Lazer Dentistry // International Journal of Culture and Modernity ISSN: 2697-2131., Volume 12 (Jan 2022). -P. 33-379.
2. Sharipova G. I. Light and laser radiation in medicine // European journal of modern medicine and practice Vol. 2 No. 1 (2022) EJ MMP ISSN: 2795-921X.-P. 31-36
3. NN.Kazakova. THE SPECIFICS OF THE DIAGNOSIS OF CHRONIC CATARRHAL GINGIVITIS IN PATIENTS WITH RHEUMATISM// Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation, 32(3). Web of science. 2021. – P. 22969-22978. ISSN 2651-4451/ e-ISSN 2651- 446X
4. Sharipova Gulnihol Idiyevna. THE EFFECTIVENESS OF THE USE OF MAGNETIC-INFRARED-LASER THERAPY IN TRAUMATIC INJURIES OF ORAL TISSUES IN PRESCHOOL CHILDREN//Academic leadership. ISSN 1533-7812 Vol:21Issue 1
5. Olimova D.V. A COMPLEX APPROACH TO GLOSSALGIA TREATMENT BASED ON THE CURRENT DATA ON THE SPECIFICITY OF ITS ETIOPATHOGENESIS. // “BILIG – ILMIY FAOLIYAT” nashri <http://bilig.academiascience.or> - B. 141-146



6. Olimova D. V. USE OF MODERN METHODS IN THE TREATMENT OF GLOSSALGIA // Journal of Advanced Research and Stability ISSN: 2181-2608. - Special Issue | 2022. P – 197-200
7. Sharipova Gulnihol Idiyevna. DISCUSSION OF RESULTS OF PERSONAL STUDIES IN THE USE OF MIL THERAPY IN THE TREATMENT OF TRAUMA TO THE ORAL MUCOSA// European Journal of Molecular medicine Volume 2, No.2, March 2022 Published by ejournals PVT LTDDOI prefix: 10.52325 Issued Bimonthly Requirements for the authors.
8. Sharipova Gulnihol Idievna. THE USE OF FLAVONOID BASED MEDICATIONS IN THE TREATMENT OF INFLAMMATORY DISEASES IN ORAL MUCUS// Asian journal of Pharmaceutical and biological research 2231-2218 SJIF 2022:4.465 Volume 11 Issue 1 JAN-APR 2022. P-98-101
9. Sharipova Gulnihol Idievna. THE EFFECT OF DENTAL TREATMENT-PROFILACTICS ON THE CONDITION OF ORAL CAVITY ORGANS IN CHILDREN WITH TRAUMATIC STOMATITIS // «Tibbiyotdayangikun» scientific - abstract, cultural and educational journal. - Bukhara, 2022. - №5 (43). - C.103-106.
10. Sharipova Gulnihol Idievna; Nuraliev Nekkadam Abdullaevich. GENERAL DESCRIPTION AND RESEARCH METHODS USED IN CHILDREN WITH TRAUMATIC STOMATITIS//European Journal of Research: volume 7 pp. 51-56 (Issue 1 2022).
11. Bakhronovna, R. M. (2020). THE IMPORTANCE OF INTERACTIVE METHODS IN SHAPING STUDENTS' THINKING SKILLS. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1, 37-40.
12. Sharipova Gulnihol Idievna. CHANGES IN THE CONTENT OF TRACE ELEMENTS IN THE SALIVA OF PATIENTS IN THE TREATMENT OF PATIENTS WITH TRAUMATIC STOMATITIS WITH FLAVONOID-BASED DRUGS//Journal of research in health science: Volume 6 pp. 23-26 (issue. 1-2 2022).